O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№90 (843) 2024 йил 12 ноябрь, сешанба

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ТАШРИФДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ

халқимизнинг турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда



Сурат president.uz сайтидан олинди.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев ислоҳотларнинг бориши, ҳудудлар ривожи ҳамда аҳоли турмуш тарзи билан яқиндан танишиш мақсадида икки кунлик ташриф билан Навоий вилоятига ташриф буюрди. Ташриф давомида йирик саноат объектлари ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий соҳа ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишган юртбошимиз янги лойиҳаларга старт берди.

Жумладан, “Янги Навоий” шаҳарчаси қурилиш майдонида бўлиб, вилоят фаоллари, нуронийлар ва маҳаллий аҳоли вакиллари билан учрашиб, суҳбатлашди.

– Бугун бу ерга Навоий вилоятидаги 8 та туман, 3 та шаҳарнинг эртанги куни қандай бўлади, деган саволга жавоб топиш учун келдик, – деди Шавкат Мирзиёев. – Аслида, битта рўзғорни тебратишнинг ўзи бўлмайди. Худога шукр, аҳолимиз 38 миллионга яқинлашяпти. Бунинг учун халқимизга муносиб мустаҳкам замин яратиб боришимиз керак. Бундай янги шаҳарчаларни нима учун қуряпмиз? Ёшларимиз ўсиб келяпти. Улар ўзи туғилиб ўсган жойида ишлаб, яхши яшаши учун ҳамма ҳудудларда шароит яратамиз.

Бунёд этилажак янги шаҳарча ҳудудида жами 551,6 минг квадрат метр майдонда 5-16 қаватли турар жойлар, мактаб ва боғчалар, тиббиёт муассасалари, маданият объектлари, 50 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” истироҳат боғи, 2 та сайилгоҳ, 8 917 ўринли автотураргоҳ, 18 километр автомобиль йўллари қуриш, 20 километр ичимлик сув, 6,6 километр оқова сув, 18 километр электр ва 16 километр газ тармоқлари тортиш режалаштирилган.

Тамал тоши қўйилган янги лойиҳадан ҳам маълумки, юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилояти ҳам улкан бунёдкорлик марказига айланган. Муҳими, маҳаллий аҳоли бундай ижобий ўзгаришлардан мамнун ва буни ўзаро суҳбатларда эътироф этяпти. “Янги Навоий” шаҳарчаси қурилиш лойиҳаси Президентимизнинг 2018 йил 2 августдаги “Республика ҳудудларида “Business city” замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Бунинг учун Кармана туманидан Навоий шаҳрига 1 097,6 гектар ер ўтказилди. Шу мақсадда, 892 гектар ер қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер тоифасидан фойдаланилмайдиган тоифага ўтказилган. Биринчи босқичда қурилиш ишлари 450 гектар майдонда амалга оширилиши режалаштирилган.

– Лойиҳани бажариш учун “Янги Навоий” шаҳарчаси ишбилармонлик маркази дирекцияси” давлат муассасаси ташкил этилган, – деди Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Акбар Ниёзов. – Бу ер майдонида босқичма-босқич “Янги Навоий” шаҳарчаси ва “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилиши режалаштирилган. Шаҳарчадан сайилгоҳлар, Навоий давлат университети янги бинолари, бошқа ижтимоий соҳа объектлари, кўп қаватли турар жойлар, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, маиший хизмат кўрсатиш, сервис объектлари, шунингдек, кутубхона, сунъий кўл ҳамда ҳунармандчилик устахоналари жой олади.

Маълумотларга кўра, шаҳарчада ижтимоий соҳа объектлари қурилишини молиялаштириш учун республика ва маҳаллий бюджетдан қарийб 120 миллиард сўм, уй-жой фонди, савдо-маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши учун тадбиркорлар, аҳоли маблағлари, тижорат банкларидан 3,3 триллион сўм, шунингдек, муҳандислик-коммуникациялари учун фойдаланувчи ташкилотлар, аукцион савдолардан тушган ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 176 миллиард сўм йўналтирилади. “Янги Ўзбекистон” боғи қурилиши лойиҳасини вилоят аҳли хурсандчилик билан қабул қилди. Лойиҳа Туркиянинг “Mdesing outdoor factory” компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

Навоий шаҳри ҳудудидаги Фаровон маҳалласида 50 гектар ҳудудда барпо этиладиган боғда амфитеатр, сунъий кўл, фаввора, ёпиқ сузиш ҳавзаси, спорт зали, кутубхона, ресторан, кафелар, велосипед ва пиёдалар йўлаклари, болалар ўйин майдончалари, ҳунармандчилик устахоналари, томоша терассаси, савдо ва кўнгилочар ҳудудлар, скейтборт майдони, автотураргоҳлар, ўсимлик шоу ҳамда йўл ҳаракати машғулотлари майдони ташкил этиш кўзда тутилган. Боғда Навоий вилоятининг саноат драйвери бўлган олтин конларига бағишланган “Dark Ride” маркази бўлади. Яъни, бу ерга ташриф буюрувчилар транспорт воситаларида олтин қидириш ва қазиб олиш жараёнларини акс эттирувчи махсус ёритилган саҳналар бўйлаб саёҳат қилади. Албатта, бу йирик лойиҳа Навоий вилоятидаги кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг узвий давомидир. Бундай янгиланишлар, ҳудудларнинг кўркам қиёфа касб этиши яқин йилларда янада намоён бўлади.

Бугунги ислоҳотлар изчиллиги, аввало, халқимизнинг турмуш фаровонлигига хизмат қилаётганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг кундан кунга чирой очиб, кўркам манзилга айланиб бораётгани кўзни қувонтиради. Вилоятнинг шаҳарсозлик қиёфасини яхшилаш мақсадида 2017-2024 йиллар давомида жами 73 аҳоли пункти, жумладан, 2 та шаҳар, 19 та шаҳарча, 52 та маҳалланинг бош режалари ишлаб чиқилиб, ҳаётда ўз аксини топмоқда. Албатта, бу каби бунёдкорликларнинг ҳар бир намунаси, мамлакатимизда, аввало, инсон манфаатига олий қадрият сифатида қаралаётгани ва бу каби эътиборларнинг барчасида инсон қадри устуворлигидан далолатдир. Бугун вилоятда бунёд этилаётган барча лойиҳалар, иншоотлар, турар жойлар халққа хизмат қилиб, уларни шу юртда фаровон ҳаёт кечиришига замин яратиши аниқ.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Мавсум қандай ўтмоқда?

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Обиджон Мўминов Навоий вилоятида бўлиб, ҳудудларда куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш юзасидан амалга оширилган ишларни кўздан кечирди.

Хусусан, Кармана, Қизилтепа, Навбаҳор, Конимех туманларида ташкил этилган махсус штаб ва мурожаатларни 24/7 иш режимида қабул қилиш жараёнлари ўрганилди. Шунингдек, бошқарув ташкилотларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги кўздан кечирилди.

Шу билан бирга, инфратузилма объектлари, хусусан, вилоят “Иссиқлик манбаи” ДУК ҳамда кўп қаватли уйлар техник ҳолати ҳам ўрганилди. Ҳудудий комиссия аъзолари билан ҳамкорликда тегишли вазифалар белгиланиб, масъулларга зарур топшириқлар берилди.

Жами 29 та уй ўрганилиб, 210 кв метр том қисми, 14 та ертўлада таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Мониторинг ишлари натижасида аниқланган барча камчиликлар қайд этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўқув-семинар ташкил этилди

Тошкент Архитектура-қурилиш университети, Фарғона Политехника институти ва Тошкент шаҳридаги Турин Политехника институти илмий ходим ва магистрлари учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан “Еврокодларни Ўзбекистонда имплементация қилиш” мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Ҳозирда Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ҳамда бир қатор маҳаллий ва халқаро лойиҳа ташкилотлари, соҳа мутахассислари томонидан Ўзбекистонда Еврокодларни жорий қилиш бўйича амалий ишлар давом этмоқда. Олий таълим муассасаларида ҳам ҳозирда ёш олимларни ўқитиш мақсадида Еврокодлар фани киритилган.

Ўтказилган семинардан кўзланган асосий мақсад – Еврокодларни ишлаб чиқаётган соҳа мутахассислари ҳамда илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган ёш олимлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш ва Еврокодларни таълим жараёнларига интеграция қилиш, шунингдек, илмий изланишларда ривожланиш векторини белгилашда кўмаклашишдан иборат.

Вазифалар ижроси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбари раислигида “Энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда энергетика соҳаси объектлари куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселекторда белгиланган асосий вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Салом Самадов томонидан Фарғона вилояти Марғилон шаҳри ҳокимлигида йиғилиш ўтказилди.



Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов ва бошқа тегишли вазирлик ҳамда ташкилотларнинг масъуллари ҳам иштирок этдилар.

Йиғилишда куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш, аҳолида норозилик кайфияти юзага келишининг олдини олиш, муаммоли вазиятларни тезкор ва одилона ҳал қилиш, осойишталикни сақлаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Бундан ташқари, Бош прокурор ўринбосари раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ томонидан Фарғона вилоятидаги ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ва муаммолар ҳам муҳокама қилинди. Мазкур ҳолатларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Долзарб мавзудаги йиғилиш

Тошкент шаҳар прокуратурасида мамлакатимизда куз-қиш мавсумини беталафот ўтказишни ташкил этиш масалаларига қаратилган йиғилиш ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Прокуратура, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этдилар. Бунда аҳоли мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ва тегишли тартибда чора кўрилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Шу маънода бугунги кунда республикада фаолият юритувчи барча бошқарув сервис компанияларида 24 соат фаолият юритувчи диспетчерлик хизматлари ташкил этилиб, куз-қиш мавсумида ушбу жараённинг кучайтирилган тартибда жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда вазир ўринбосари Озода Жўраева Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, кўп квартирали уйларни таъмирлаш ва иссиқлик таъминотини яхшилаш йўналишларида олиб борилган ишлар бўйича маълумот берди.

Таъкидланганидек, жорий йилда 5 409 та кўп квартирали уйлар таъмирланди. Бунинг учун бошқарув ташкилотларининг 132 млрд сўм маблағи жалб қилинди. Тасдиқланган дастурдан ташқари қўшимча равишда 4 440 та кўп квартирали уйда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Иссиқлик таъминоти тизимини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича 2 та маҳаллий қозонхона, 57 та қозон ва 99,4 км узунликдаги иссиқлик тармоқлари мукаммал ҳамда 1 та маҳаллий қозонхона жорий таъмирланди. Шунингдек, 679 та қозон ва 486,3 км узунликдаги иссиқлик тармоқларида жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Яшил сертификатланган бинолар: ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР КЕЛАЖАГИ

Муродбек ҲАЙДАРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Тошкент шаҳрида жойлашган “Hyatt Regency” меҳмонхонасида “Яшил сертификатланган бинолар: Ўзбекистоннинг барқарор келажаги” мавзусида форум бўлиб ўтди.



Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов бошчилигида вазирлик масъуллари ҳамда Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутасаддилари иштирок этишди.

– Халқаро Молия Корпорацияси билан ҳамкорлигимиз сўнгги йилларда ижтимоий ҳимоя, имконияти чекланган инсонлар учун қулайликлар яратиш бўйича ва айниқса, энергия самарадорлик йўналишида тобора мустаҳкамланиб бормоқда, – деди вазир ўринбосари. – Хусусан, корпорация томонидан тақдим этилаётган “EDGE” сертификатлаш тизими бугунги кунда биноларнинг энергия тежамкорлигини баҳолаш ва яхшилашда халқаро миқёсда тан олинган мезон ҳисобланади. Бундай сертификатга эга бўлган бинолар эса ўз навбатида, эксплуатация харажатларини сезиларли даражада камайтириш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш имконини беради, – деди форумни кириш сўзи билан очиб берган Тоир Алиматов.

Маълум қилинишича, Ўзбекистонда энергия истеъмоли Европа давлатларига нисбатан 3 баробар юқори кўрсаткичга эга. Шу билан бирга, бинолар табиий газнинг 60 фоизини, кўмирнинг 56 фоизини, электр энергиясининг 34 фоизини ва иссиқлик энергиясининг 67 фоизини истеъмол қилади. Умуман олганда, бинолар якуний энергия истеъмолининг 50 фоизини ташкил этади. Бу, ўз навбатида, энергия самарадорлигини ошириш бўйича олдинда ҳали амалга ошириши лозим бўлган ишлар кўп эканлигини кўрсатади.

▶ 2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№90 (843) 2024 йил 12 ноябрь

Илмий-амалий анжуман ўтказилди





Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Компетенцияни ривожлантириш институти томонидан муассаса ташкил қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида янгича ёндашувлар” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани илмий-амалий анжуман ташкил қилинди.

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш сўнгги йилларда кун тартибидаги жиддий масалага айланди. Компетенцияни ривожлантириш институти ҳам соҳа ходимларининг малака ва билимларини оширишга замин ҳозирлади. Институтда ташкил этилган анжуман мутахассисларнинг ўзаро фикр алмашиш, ҳамкорлик ва муҳокама майдонига айланди.

Тадбирни очиб берган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева шундай деди:

– Бугун мамлакатимизда қурилиш соҳасига давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилмоқда. Коммунал соҳа эса аҳоли кайфиятига тўғридан-тўғри таъсир қилиши сабабли, мазкур йўналишдаги ишларида ҳам кўплаб ислоҳотлар амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан ташкил этилган ушбу институт ўз олдига қўйган вазифани аъло даражада амалга ошириб келяпти. Ўтган бир йил давомида соҳа ходимлари малакасини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги тадбир ҳам келажакда муҳим лойиҳаларга тамал тоши қўйилишига сабаб бўлади. Институтнинг бундан кейинги фаолиятига ҳам муваффақият тилаймиз. Ўйлайманки, бошланган ишлар улкан ривожланиш йўлининг дебочаси, холос.

Дарҳақиқат, қурилиш ва коммунал соҳадаги ишлар кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда. Ушбу фаолиятни янада самарали ташкил этишда малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бораётгани барчага маълум. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Компетенцияни ривожлантириш институти соҳадаги мутахассисларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган ўзига хос рақамлашган таълим тизимини ташкил қила олди. Замонавий таълим ёндашувларини жорий этиш институт олдига қўйилган асосий вазифалардан биридир.

Институт 3 та таркибий қисмдан иборат бўлиб, булар – Архитекторлар ва муҳандислар олий мактаби, Қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази, Малакани баҳолаш ва сертификатлаш марказларидир. Институтнинг ўқув жараёнига ҳозирги вақтда 70 дан ортиқ малакали маҳаллий ва хорижий мутахассис жалб этилган. Ўқув режа ва дастурлар хорижий мутахассислар ҳамкорлигида Американинг “Муҳандислик ва технология бўйича аккредитация кенгаши” (АБЕТ) томонидан тан олинган халқаро стандартлар мезонлари асосида соҳа йўналишлари кесимида ишлаб чиқилди ҳамда Истанбул техника университети томонидан аккредитация қилинди. Малака ошириш курслари ўқув жараёни 108 соат бўлиб, шундан 36 соати анъанавий шаклда, 72 соат эса масофавий таълим шаклида ташкил этилди.

Институтда жорий йил якунига қадар соҳанинг 10 та йўналиши бўйича 8 000 нафарга яқин мутахассиснинг малакаси оширилиб, тегишли тартибда фаолияти сертификатлаштирилиши режалаштирилган. Компетенцияни ривожлантириш институти ташкил этилганлигининг бир йиллиги муносабати билан ўтказилган “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида янгича ёндашувлар” мавзусида Республика илмий-амалий анжуманининг асосий мақсади, бугунги кунда тез суръатларда ўсиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш, қулай шаҳар муҳитини яратиш, бинолар ва иншоотларни қуришда сифатни таъминлаш, энергия самарадорлигини ошириш, шунингдек, соҳада таълимнинг аҳамияти каби масалаларни муҳокама қилиш ҳамда бу йўналишлар бўйича амалий таклифларни тақдим этишдан иборатдир.

– Компентенцияни ривожлантириш институти Президентимизнинг 2023 йил 28 августдаги 151-сонли Фармони билан ташкил этилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 460-сонли қарори билан фаолият ва функциялари белгилаб берилди, – деди институт ректори Аъзамиддин Қўлдошев. – Бугунги кунга қадар институтимиз асосан қайта тайёрлаш ва малака ошириш ишлари билан шуғулланиб келмоқда. Муассасамиз ўз фаолияти жараёнларини рақамлаштиришга қаратган бўлиб, бунда тингловчилардан ариза қабул қилиш, ҳужжатларни текшириш, тўловларни амалга ошириш, имтиҳонларни топшириш ва сертификатларни юклаб олиш каби босқичлар тўлиқ рақамлаштирилди. Институт Билим ва малакани баҳолаш агентлиги ҳамда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилинган. Шунингдек, мутахассисларни сертификатлаш мақсадида 10 та йўналиш бўйича малака ошириш курслари ташкил этилган. Хусусан, техник назоратчилар, муаллифлик назоратини олиб борувчилар, лойиҳа бош муҳандислари ва бош архитекторлари, пудрат ташкилотларининг ички назоратини амалга оширувчилар, назорат ўлчовини амалга оширувчи мутахассислар, эксперт ташкилотлари экспертлари, кўп квартирали уйларни бошқариш органлари раҳбарлари, туман (шаҳар) ва вилоят архитекторлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекциялари инспекторлари фаолият самарадорлигини ошириш учун институтда сўнгги технологиялар билан ишлаб чиқилган таълим тизими ёрдамида малака оширишлари мумкин.

Ушбу йўналишлар бўйича бугунги кунда 5 000 нафарга яқин мутахассиснинг малакаси оширилди ва уларга сертификатлар берилган. Олдинда институт томонидан режалаштирилган ишлар ҳам талайгина. Жумладан, ҳудудларда ҳам, яъни Самарқанд, Наманган ва Қорақалпоғистон Республикасида институт филиалларини ташкил этиш, келгуси ўқув йилидан бошлаб Архитекторлар ва муҳандислар олий мактаби фаолиятини йўлга қўйиш мақсад қилинган. Бунда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ходимларни ўқитиш учун махсус мақсадли магистратурага қабулни ташкил этиш, шунингдек, соҳадаги ишчи касб эгаларининг малакасини баҳолаш ва тегишли касб даражаларини (разрядларни) белгилаш мақсадида ҳудудларда Малакани баҳолаш марказларини ташкил қилиш каби ишлар режалаштирилган.

Илмий-амалий анжуман 3 та шўъбага бўлинган ҳолда – Шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси муаммолари, Соҳалар таълими ва илми, Бино ва иншоотларда энерготежамокрлик мавзуларида муҳокамалардан иборат тарзда бўлиб ўтди. Тадбирда муаммолар, бир йил давомида эришилган ютуқлар, келгусидаги режалар атрофлича муҳокама қилинди.

◀ 1-бет

Яшил сертификатланган бинолар: ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР КЕЛАЖАГИ



– Биз Ўзбекистонда яшил қурилишни татбиқ этиш бўйича ҳамкорлик лойиҳасини амалга оширмоқдамиз, – деди Халқаро молия корпорацияси масъулларидан бири Сакши Варма. – Лойиҳа доирасида қурилиш ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи корхоналарни яшил қурилиш, энергия самарадорликка жалб этилади. Таъкидлаш жоизки, яшил қурилишдаги асосий талаблар – бу энергия, сув ва хомашё самарадорлигидир. Маълумот учун, бутун дунёда ҳаво ифлосланишининг 40 фоиз улуши қурилиш ишларига тўғри келади. Шу ўринда, қурилиш жараёнларини яшил қурилиш стандартлари асосида амалга ошириш атроф-муҳитга етказиладиган зарар миқдорининг камайишини таъминлайди.

Форумда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан “Халқаро энг яхши тажрибаларни жорий этиш. Ўзбекистоннинг яшил қурилиш бозорини ақлли меъёрий тартиботлар билан қандай ривожлантириш мумкин?” мавзусида тақдимот ўтказилди.

Таъкидланишича, Халқаро молия корпорация билан ҳамкорлик доирасида қуйидаги масалалар назарда тутилган:

- *яшил ипотекага ёндашувни ривожлантириш;*
- *яшил бинолар учун амалдаги қоидаларни халқаро стандартлар билан мувофиқлаштириш ва амалиётга жорий этиш;*
- *биноларни “Яшил” сертификатлаш бўйича пилот лойиҳасини амалга ошириш;*
- *маҳаллий мутахассисларни малакасини ошириш мақсадида “Яшил” сертификатлаш тизимлари (EDGE, Leed, Breeam) бўйича ўқув дастурларини ўтказиш;*
- *EDGE сертификатлаш тизими экспертларини тайёрлаш;*
- *илғол хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида ўқув сафарини (STUDY toure) ташкил этиш;*
- *яшил қурилишни рағбатлантиришни механизмларини ишлаб чиқиш.*

– Ушбу яшил қурилиш бўйича ташкил қилинган форум Ўзбекистонда биноларнинг энергия самарадорлигига қаратилган масалалар борасида бир қанча халқаро ташкилотларнинг мамлакатда олиб бораётган фаолиятига бағишланган, – деди Шерзод Содиқов. – Ушбу тадбир Халқаро молия корпорацияси томонидан ташкил этилди. Халқаро молия корпорацияси ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ўртасида меморандум мавжуд. Бугунги муҳокамалардан кўзланган мақсад – энергия самарадорлигига оид амалдаги Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини янгилаш ҳамда улар халқаро стандартларга қанчалик даражада уйғунлаштирилди, шунингдек, келгусидаги истиқболларига бағишланган.

Корпорация билан манфаатли ҳамкорлик негизида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўйлайимизки, ушбу ҳамкорлик нафақат мамлакатимизнинг иқтисодий ва экологик барқарорлигига ҳисса қўшади, балки Ўзбекистонни яшил қурилиш бўйича минтақадаги етакчи давлатлардан бирига айланишини таъминлайди.

СОҲАГА БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧ САМАРА БЕРМОҚДА

Наргиза МИРЁҚУБОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги кунда республикамизда бошқа соҳалар қаторида уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан соҳага берилаётган юксак эътибор боис муҳим ижтимоий аҳамиятга эга коммунал соҳа кун сайин такомиллашиб бормоқда.

2023 йилда Давлатимиз раҳбарининг “Кўп квартирали уйларни бошқаришни янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва ушбу ҳужжат коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўплаб ислоҳотларга замин ҳозирлади. Чунки, уй-жой шунчаки бошпана эмас, балки у инсоннинг кайфияти ва ҳаёт тарзига таъсир қилуви кўрғондир. Бундаги шарт-шароит ва қулайлик инсонларнинг кунлик муаммоларини бартараф этиб, ишига барака олиб келади.

Кўп квартирали уйлар қурилишининг жадал суръатларда ўсиб бораётгани соҳада замон талаблари асосида чуқур ислоҳотларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Шу маънода дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, соҳа бозорига профессионал бошқарув сервис компаниялари кириб келди. Айни вақтда уларнинг ишларини ҳамкорликда янги босқичга олиб чиқиш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун эса долзарб аҳамиятга эга тадбирлар ташкил этиб келиняпти.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 10 июнь куни Энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда энергетика соҳаси объектларини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида белгиланган асосий вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бошқарув сервис компаниялари масъуллари иштирокида семинар тренинг ўтказилди. Унда республикамиздаги кўп квартирали уйларни бошқариш борасида фаолият олиб бораётган БСК раҳбарлари куз-қиш мавсумига ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўриш борасида ўзаро фикр-мулоҳазаларни алмашдилар.

Ушбу йўналишда тезкор вазифалар белгилаб олинди. Таъкидлаш лозимки, қарор билан бошқарув органларига қатор имтиёз ва имкониятлар яратилибгина қолмасдан, уларнинг мавжуд муаммоларига ҳуқуқий ечим берилди. Яъни, мажбурий бадалларнинг энг кам миқдори белгиланди. Ҳудудлардан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари тизимлаштирилди, мажбурий бадалдан қарздорликни электр энергиясига интеграция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Соҳада аста-секин рақобат муҳити шаклланди. Бу эса жуда қувонарли. Чунки соҳадаги ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам шу эди, аслида. Қолаверса, очиқликни таъминлаш ва рақобатбардошликка эришиш орқали астойдил меҳнат қилаётган бугунги кун талабларига жавоб бераётган, ўз фаолиятига замонавий ечимларни жалб этаётган бошқарув органлари тобора ривожланмоқда.

– Республикамизда 1 миллион 400 мингдан зиёд хонадонлар бор, 42 минг 57 та кўп қаватли уйлар мавжуд, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева. – Ушбу кўп қаватли уйларда бугунги кунда 830 га яқин БСК 155 та уй-жой мулкдорлари фаолият олиб боради. Бошқарув компаниялари моддий-техника базалари билан таъминланган. Уларда 14 мингга яқин иш ўрни яратилган бўлиб, ҳаммаси сертификатга эга. Республикамиз бўйича аҳолининг 700 миллиард сўмга яқин дебитор қарздорлиги бор эди. МИБ ходимларига берилган топшириқлари асосида бугунги кунда 350 миллиардга яқин дебиторлик қарздорлик сўндирилди. 2023 йилда аҳолидан тушаётган қарздорлик 41 фоиз бўлган бўлса, 2024 йилга келиб ушбу дебитор қарздорлик 66 фоизга камайтирилди. Аксарият кўп қаватли уйларимизда мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Бугунги кунга қадар 2 минг 150 та кўп қаватли уйларни куз-қишга тайёргарлаш ишларининг 40 фоизи бажариб бўлинди.

Шу ўринда рақамларга эътибор қаратамиз. 2023 йил 1 май ҳолатига республикада 265 та “яхши”, 415 та “ўрта” ҳамда 133 та “оғир” бошқарув сервис компаниялари мавжуд эди. Бугунги кунга келиб “яхши” тоифадаги БСКлар сони 369 тага етказилди. “Ўрта” тоифадагилар 380 та ва “оғир” тоифадаги бошқарув сервис компаниялари 72 тага камайишига эришилди. Нукус, Жиззах, Қарши, Термиз шаҳарларида намунали БСКлар ташкил этилди. Жорий йил якунига қадар оғир тоифадаги БСКларнинг барчасини ўрта тоифага ўтказиш ҳамда “яхши” тоифадаги компаниялар сонини 500 тага олиб чиқиш режалаштирилган.

Президентимизнинг ташаббуси билан БСКларга туташ ер участкаларини ажратиб бериш топшириғи берилган эди. Бугунги кунга келиб, 21 мингта кўп қаватли уйларнинг туташ ерлари участкалари белгилаб берилди. Мазкур участкаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тозалаш ишлари амалга ошириляпти. Юртимизда 1991 йилгача қурилган 30 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, ушбу кўп қаватли уйларда техник паспортлар мавжуд эмас эди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ташаббуси билан ҳар бир кўп қаватли уйларнинг паспортлари шакллантирилиб, турар жой миллий ахборот тизимига киритиб бориляпти. Тошкент шаҳри ҳисобида оладиган бўлсак, 4 мингга яқин кўп қаватли уйлар лойиҳа институтлари томонидан миллий ахборот тизимида электрон паспортлар шакллантириб бориляпти.

Яшнобод туманидаги Ватандош маҳалласида 5 минг 156 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ушбу ҳудудга “Умид-2” бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатади. Айни пайтда бу ерда компания томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. 100 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиб келаётган компания ходимлари томонидан уларнинг том ҳамда ертўла қисмларида таъмирлаш ишлари жадал олиб борилиб, 111 та йўлаклар обод қилиняпти. Барча турдаги техникаларга эга компания ходимлари аҳоли мурожаатларини куну тун ҳал этишга бел боғлашган. Масалан, ертўлалар кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари тўлиқ таъмирланяпти. Том қисмларда жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

– Ширкат пайтларида оддий бир ускунани алмаштиришнинг ўзи катта муаммога айланган эди, – деди компания раҳбари Азамат Калонов. – Ҳозирги кунда аввалги муаммолардан ҳолимиз. Аваллари чиқинди чиқиш қувурлари носоз бўлгани учун авария ҳолатлари кўп учрар эди. Бу муаммоларни бартараф этиш учун бизга анча вақт керак бўларди. Ҳозир компания ташкил топгандан кейин аҳолини ишончига кирдик, аҳолининг ўзи тўловларини амалга ошириб, ортган маблағлар компания эҳтиёжи учун сарф этиляпти.

Ватандош маҳалласидаги ички йўлларнинг таъмирлангани аҳоли кўнглидаги иш бўлди. Айниқса, кексалар, болаларга бехавотир юришлари учун зарур қулайликлар яратилди. Кундалик ободонлаштириш ишлари самарали ташкил этилган. Яқинда белгиланган режа асосида кўп қаватли уйларга 12 та янги замонавий лифтлар ўрнатилади.

– БСК билан ҳамкорликда ҳозирги кунда маҳалламизда жойлашган 17 та кўп қаватли уйларнинг ҳаммасини мониторинг қилдик, – деди “Ватандош” МФЙ раиси Шоҳиста Маъсумова. – Куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича биринчи навбатдаги вазифаларни дастур асосида белгилаб олганмиз. Биринчи навбатда иссиқлик тизими ва томларни ёпиш ишлари олиб борилмоқда. Аҳолининг талабларидан келиб чиқиб, БСК маҳалламизда мунтазам равишда туну кун хизмат қилиб келмоқда. Ҳар хил вазиятлар бўлиши мумкин маҳаллада, муаммолар ҳал этиб келинаётганини аҳолининг мамнунлигидан кўриб турибман.

Ҳозирда деярли барча компанияларда “Менинг уйим” платформаси орқали тўлов жараёнларини амалга ошириш имкониятлари яратилган. “Менинг уйим” ташкил этилганида дастлаб 1000 дан зиёд абонент уланган бўлса, бугунги кунга келиб юз минглаб аҳоли ушбу тизим орқали тўлов амалиётларини бажармоқда. Қолаверса, платформа орқали мулкдорлар ўз уйи ҳақида барча маълумотларни олиши мумкин. Ҳисоботларни олиш, “Менинг уйим” дастури орқали мурожаатлар йўллаш ҳам мумкин. Муаммолар юзасидан мурожаат қилиш имконияти бор. Кўп қаватли уйларда олиб борилаётган мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳақидаги маълумотлар, БСК олиб бораётган ишлар юзасидан бемалол тизим орқали керакли бўлган маълумотларни олиш имконияти яратилган.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратишимиз лозим. 2023 йил куз-қиш мавсумида Президентимиз томонидан Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг том ва ертўла қисмларини таъмирлаш мақсадида 200 миллиарддан зиёд маблағ ажратилди. Ана шу маблағлар ҳисобига Тошкент шаҳрида 3 мингдан зиёд кўп қаватли уйлар мукаммал таъмирланди. Бунинг натижасида аҳолидан тушаётган мурожаатлар икки баробарга қисқарди. Бу йўналишдаги муаммолар бартараф этилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошқарув компаниясида ишлайдиган барча ишчи-ходимларни сертификатлаш, яъни малакасини ошириш, аҳолидан келиб тушаётган муаммоларни ўрганиш, ўзининг соҳасига бўлган масъулиятини кучайтириш мақсадида компетенциялар институти ташкил қилинди. Ушбу институтда республикамизда 800 дан ортиқ бошқарув сервис компаниялари раҳбарлари ўқитилиши бошланиб, бугунги кунга қадар 400 дан ортиқ бошқарув компания раҳбарлари кўп қаватли уйларни бошқариш, аҳоли билан қандай муомалада бўлиб, кўп қаватли уйларнинг техник ҳолатини қандай сақлаш, бошқариш каби соҳалар бўйича ўз билим ва салоҳиятларини ошириб боришмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган “Сифат коммунал” БСК Катта яланғоч, Шалола, Феруза, Камолот маҳаллаларини қамраб олган. Тузилма 63 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Бу ерда 31 нафар ходим 24 соат давомида аҳолининг мурожаатларини кўнгилдагидек ўрганишни амалга ошириш вазифасини зиммасига олган. 10 дан ортиқ қўшимча хизматлар ташкил этилган. Ҳудудни тозалаш ободонлаштириш куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳозирданоқ қизғин олиб борилмоқда. Масалан, иссиқ сувни тақсимлаш қувурлари, кўп қаватли уйларнинг томлари, кириш йўлаклари таъмирланмоқда. Компания томонидан кўп қаватли уйларга энергия тежамкор чироқлар ўрнатиляпти. Жорий йилда ана шундай энергия тежамкор 50 минг донадан ортиқ чироқлар кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларига ўрнатилиши режалаштирилган. Бу эса энергияни 30 фоизга тежаш имконини беради.

Бугунги кунга келиб БСКнинг молиявий аҳволи яхшиланаётгани янги иш ўринлари яратилиб, қўшимча иш ҳажмининг ортаётгани натижасида жорий йилнинг ўтган 5 ойида 701 та иш ўрни ҳосил бўлди. Бу борада ишлар янада кучайтирилиб, сентябрь ойига қадар бу кўрсаткич 1000 тага етказилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага билдирилган ишонч туфайли вазифалар тўла бажарилиб бошқарув сервис компаниялари фаолияти ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифати йилдан йилга янги босқичга олиб чиқилмоқда.

ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

Республика Узбекистан
Сектор: Сельское развитие
Закупка работ
Номер контрактов: SRDP-BKH-W-01 R, SRDP-KR-W-09
Номер кредита: UZB-1023
Название проекта: Устойчивое развитие сельской местности

1. **Правительство Узбекистана получило от Исламского банка развития (ИБР) кредит на реализацию проекта “Устойчивое развитие сельской местности” и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на подрядные работы по нижеследующим контрактам в Бухарской области и Республике Каракалпакстан:**

SRDP-BKH-W-01 – Строительство дошкольных образовательных учреждений в МСГ “Истикбол”, “Талалиен” и “Новметан” Бухарского района Бухарской области;

SRDP-KR-W-09 – Строительство среднеобразовательной школы вместимостью 330 учеников в МСГ “Амиробод” Элликкалинского района Республики Каракалпакстан.

2. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными *Исламским банком в “Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР”, опубликованном в апреле 2019 года,* и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18–21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет **1 250 000 сум**. Способ оплаты – банковский перевод на нижеуказанный счет.

ДЛЯ ПОСТУПЛЕНИЙ В СУМАХ:
Получатель: Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов
Адрес и телефоны получателя: 100035, г. Ташкент, ул. Чиланзар, 4, каб. 505. **Тел.:** (+998 71) 207-84-07.
Банк получателя: Ташкентский фил. АКИБ “Ипотека-банк” МФО 00419.
Р/с получателя в сумах: 20210000705294507007
ИНН, ОКОНХ получателя: ИНН: 307 829 948.

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 120 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде гарантийной декларации.

Тендерные предложения должны быть доставлены в офис ОГРП по адресу:
Вниманию: г-на Б. Тураева, Директора ОГРП.
Адрес: город Ташкент,100035, улица Мукими, 15 “а”.
Этаж/комната: 5/503.
Телефон: (99893) 517-91-61.
Электронная почта: f.abdullayev@uzrd.uz

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **12.00 (по ташкентскому времени) 2 декабря 2024 г.**, когда они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

Вскрытие пакетов состоится в 15.00 (по ташкентскому времени) 2 декабря 2024 г. в офисе Объединенной группы реализации проектов при Министерстве экономики и финансов (5-этаж) по адресу: ул. Мукими, 15 “а”, г. Ташкент, Республика Узбекистан.

“RESPUBLIKA MULK MARKAZI” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Қорақалпоғистон Мусулмонлар қозиятининг 2024 йил 11 ноябрдаги 308-сонли келишув хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари чиқарилмоқда:

Нукус шаҳри, Х. Абдамбетов кўчаси, рақамсиз уйда сақланаётган, 2011 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 138 QAA бўлган, қониқарсиз ҳолатдаги “КАПТИВА-2” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 93 227 847 сўм.

Аукцион савдо 2024 йил 13 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй манзилида жойлашган “Qoraqalpoq mulk markazi” МЧЖ биносида ўтказилади.

Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза-лар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдога қўйилган мулклар билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 7005 7145 2012 АТБ “Давр банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдо ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй.
Тел.: 61-222-84-44.
Расмий сайтимиз: www.rmm.uz



“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “LOMBARD SHOKIR INVEST” МЧЖнинг 2024 йил 7 ноябрдаги 215-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Сергели туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 26 октябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-2, 51-уй, 10-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	779	Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 3,92 гр., с.о. 3,90 гр., пр. 585	1 860 658,27
2.	1175	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 6,69 гр., с.о. 6,69 гр., пр. 585	2 983 872,00
3.	1176	Узук 1 дона, билагузук 1 дона, у.о. 4,36 гр., с.о. 3,96 гр., пр. 585	1 577 649,00
4.	1312	Узук 1 дона, у.о. 1,96 гр., с.о. 1,66 гр., пр. 585	722 958,72
5.	1800	Занжир 1 дона, у.о. 3,17 гр., с.о. 3,17 гр., пр. 585	1 640 976,00
6.	1895	Узук 1 дона, у.о. 2,45 гр., с.о. 2,45 гр., пр. 585	1 391 142,40
7.	1897	Узук 1 дона, у.о. 1,28 гр., с.о. 1,03 гр., пр. 585	514 220,00
8.	1918	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,32 гр., с.о. 3,22 гр., пр. 585	1 791 870,00
9.	2107	Занжир 1 дона, у.о. 17,58 гр., с.о. 17,58 гр., пр. 585	10 369 137,44
10.	2617	Билагузук 1 дона, у.о. 4,36 гр., с.о. 4,36 гр., пр. 585	2 627 485,82
11.	2831	Узук 1 дона, у.о. 3,68 гр., с.о. 3,68 гр., пр. 585	1 974 276,00
12.	2903	Узук 1 дона, у.о. 1,67 гр., с.о. 1,17 гр., пр. 585	696 469,25
13.	2905	Узук 1 дона, у.о. 2,63 гр., с.о. 2,30 гр., пр. 585	1 207 506,62
14.	3243	Занжир 1 дона нуқсонли, у.о. 2,96 гр., с.о. 2,96 гр., пр. 585	1 202 965,66
15.	3331	Занжир 1 дона, у.о. 5,59 гр., с.о. 5,59 гр., пр. 585	2 915 659,02
16.	3592	Сирға 1 жуфт нуқсонли, у.о. 1,29 гр., с.о. 1,29 гр., пр. 585	690 242,80
17.	3736	Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 5,30 гр., с.о. 3,80 гр., пр. 585	2 316 060,00
18.	3815	Сирға 1 жуфт, у.о. 1,85 гр., с.о. 1,85 гр., пр. 585	1 086 586,19
19.	4100	Узук 2 дона, у.о. 5,41 гр., с.о. 5,41 гр., пр. 585	3 270 207,00
20.	4173	Занжир 1 дона, кулон 2 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 10,77 гр., с.о. 10,77 гр., пр. 585	6 052 050,00
21.	4174	Занжир 1 дона, у.о. 4,98 гр., с.о. 4,98 гр., пр. 585	2 837 220,00
22.	4507	Сирға 1 жуфт, узук 1 дона, у.о. 4,77 гр., с.о. 4,07 гр., пр. 585	1 797 235,12
23.	4662	Занжир 1 дона, сирға 1 жуфт, узук 2 дона, у.о. 14,42 гр., с.о. 12,42 гр., пр. 585	5 500 792,00
24.	4791	Узук 1 дона, у.о. 2,91 гр., с.о. 2,61 гр., пр. 585	1 688 850,00
25.	4897	Узук 1 дона, у.о. 2,20 гр., с.о. 2,20 гр., пр. 585	1 431 300,00
26.	4968	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 2,76 гр., с.о. 2,56 гр., пр. 585	1 507 050,00
27.	5042	Узук 1 дона, у.о. 2,07 гр., с.о. 2,07 гр., пр. 585	1 340 400,00
28.	5052	Занжир 1 дона, узук ва сирға 1 тўплам, узук 2 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 39,84 гр., с.о. 37,34 гр., пр. 585	21 520 200,00
29.	5079	Узук 1 дона, у.о. 3,08 гр., с.о. 3,08 гр., пр. 585	1 991 850,00
30.	5102	Узук 2 дона, у.о. 4,05 гр., с.о. 3,15 гр., пр. 585	2 037 300,00
31.	5330	Соат 1 дона, у.о. 20.45 гр., с.о. 7,50 гр., пр. 585	4 809 750,00
32.	5436	Сирға 1 жуфт нуқсонли, у.о. 2,77 гр., с.о. 2,20 гр., пр. 585	1 431 300,00
33.	5464	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,69 гр., с.о. 3,29 гр., пр. 585	2 128 200,00
34.	5499	Занжир 1 дона, узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 16,95 гр., с.о. 16,55 гр., пр. 585	8 657 850,00
35.	5591	Узук 4 дона, у.о. 9,22 гр., с.о. 8,32 гр., пр. 585	5 491 500,00
36.	5642	Билагузук 1 дона, у.о. 3,65 гр., с.о. 3,65 гр., пр. 585	2 064 570,00
37.	5675	Узук 1 дона, билагузук 1 дона, у.о. 6,10 гр., с.о. 3,63 гр., пр. 585	2 340 300,00
38.	5812	Колье 1 дона, у.о. 17,97 гр., с.о. 17,87 гр., пр. 585	11 400 000,00
39.	5820	Билагузук 1 дона, у.о. 3,67 гр., с.о. 3,67 гр., пр. 585	2 370 600,00
40.	5950	Узук 1 дона, у.о. 2,62 гр., с.о. 2,02 гр., пр. 585	1 127 459,68
41.	6010	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,91 гр., с.о. 3,31 гр., пр. 585	1 931 250,00
42.	6017	Билагузук 1 дона нуқсонли, у.о. 2,15 гр., с.о. 2,15 гр., пр. 585	1 431 300,00
43.	6020	Узук 2 дона нуқсонли, у.о. 3,74 гр., с.о. 3,24 гр., пр. 585	1 552 500,00
44.	6021	Занжир 1 дона, у.о. 6,48 гр., с.о. 6,48 гр., пр. 585	2 310 000,00
45.	6040	Занжир 1 дона, кулон 1 дона,узук 2 дона, билагузук 1 дона, у.о. 13,43 гр., с.о. 12,03 гр., пр. 585	7 612 500,00
46.	6044	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,43 гр., с.о. 2,83 гр., пр. 585	1 885 800,00
47.	6045	Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 8,06 гр., с.о. 6,26 гр., пр. 585	3 976 500,00
48.	6133	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 1,75 гр., с.о. 1,75 гр., пр. 585	1 052 731,80
49.	6134	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,56 гр., с.о. 1,96 гр., пр. 585	1 039 195,38
50.	6267	Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 5,19 гр., с.о. 5,19 гр., пр. 585	2 310 000,00
51.	6275	Узук 3 дона нуқсонли, у.о. 7,46 гр., с.о. 6,26 гр., пр. 585	4 112 850,00
52.	6324	Узук 1 дона, у.о. 1,75 гр., с.о. 1,50 гр., пр. 585	1 022 250,00
53.	6440	Узук 1 дона, у.о. 2,63 гр., с.о. 2,63 гр., пр. 585	1 339 390,00
54.	6441	Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 6,94 гр., с.о. 6,64 гр., пр. 585	3 575 530,00
55.	6478	Узук 2 дона нуқсонли, у.о. 2,54 гр., с.о. 2,40 гр., пр. 585	1 502 444,40
56.	6531	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,91 гр., с.о. 2,31 гр., пр. 585	1 475 841,00
57.	6562	Занжир 1 дона, билагузук 1 дона нуқсонли, у.о. 7,79 гр., с.о. 5,66 гр., пр. 585	3 461 400,00
58.	6656	Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 10,97 гр., с.о. 8,87 гр., пр. 585	3 804 800,00
59.	6671	Узук 1 дона, сирға 2 жуфт, у.о. 7,49 гр., с.о. 7,49 гр., пр. 585	5 021 850,00
60.	6677	Занжир 1 дона, у.о. 9,97 гр., с.о. 9,97 гр., пр. 585	6 673 200,00
61.	6679	Узук 1 дона, у.о. 2,64 гр., с.о. 2,54 гр., пр. 585	1 704 000,00
62.	6701	Узук 1 дона, у.о. 1,42 гр., с.о. 1,42 гр., пр. 585	976 800,00
63.	6708	Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 8,30 гр., с.о. 7,40 гр., пр. 585	4 961 250,00
64.	6786	Колье 1 дона нуқсонли, билагузук 1 дона нуқсонли, узук 3 дона, у.о. 17,21 гр., с.о. 16,81 гр., пр. 585	10 575 840,00
65.	6805	Билагузук 1 дона, у.о. 6,22 гр., с.о. 6,22 гр., пр. 585	4 173 450,00
66.	6850	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,28 гр., с.о. 2,28 гр., пр. 585	1 350 500,00
67.	6852	Сирға 2 жуфт, у.о. 4,32 гр., с.о. 3,70 гр., пр. 585	1 951 450,00
68.	6857	Узук 3 дона, у.о. 11,06 гр., с.о. 11,00 гр., пр. 585	7 370 100,00
69.	6991	Колье 1 дона, сирға 2 жуфт, узук 1 дона, у.о. 14,92 гр., с.о. 14,22 гр., пр. 585	8 218 500,00
70.	7042	Сирға жуфтсиз 1 дона нуқсонли, у.о. 1,52 гр., с.о. 1,52 гр., пр. 585	673 800,00
71.	7078	Колье 1 дона, узук 1 дона, у.о. 15,38 гр., с.о. 15,38 гр., пр. 585	8 529 256,80
72.	7098	Узук 2 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 6,60 гр., с.о. 5,40 гр., пр. 585	3 583 197,92
73.	7499	Узук 1 дона, у.о. 4,51 гр., с.о. 4,51 гр., пр. 585	3 067 500,00
74.	7556	Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 9,59 гр., с.о. 9,59 гр., пр. 585	4 627 950,00
75.	7627	Кулон 1 дона, занжир 1 дона, сирға 1 жуфт,колье 1 дона, у.о. 30,16 гр., с.о. 29,96 гр., пр. 585	20 035 500,00
76.	7698	Узук 1 дона, у.о. 1,88 гр., с.о. 1,88 гр., пр. 585	1 279 800,00
77.	7729	Сирға 1 жуфт, у.о. 1,42 гр., с.о. 1,42 гр., пр. 585	840 450,00
78.	7816	Билагузук 1 дона, узук 1 дона, у.о. 2,98 гр., с.о. 2,88 гр., пр. 585	1 688 850,00
79.	7986	Билагузук 1 дона, у.о. 6,66 гр., с.о. 6,66 гр., пр. 585	4 431 000,00
80.	8039	Узук 2 дона, сирға жуфтиз 1 дона нуқсонли, у.о. 8,74 гр., с.о. 7,04 гр., пр. 585	4 734 000,00
81.	8074	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,00 гр., с.о. 3,00 гр., пр. 585	2 037 300,00
82.	8119	Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 6,96 гр., с.о. 6,16 гр., пр. 585	4 143 150,00
83.	8388	Узук 3 дона, у.о. 5,56 гр., с.о. 4,96 гр., пр. 585	3 643 200,00
84.	8389	Занжир 1 дона, у.о. 3,53 гр., с.о. 3,53 гр., пр. 585	2 597 850,00
85.	8416	Занжир 1 дона, узук 3 дона, у.о. 14,88 гр., с.о. 14,60 гр., пр. 585	7 006 500,00
86.	8423	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,01 гр., с.о. 3,01 гр., пр. 585	1 931 250,00
87.	8489	Узук 6 дона нуқсонли, у.о. 37,46 гр., с.о. 32,96 гр., пр. 585	24 004 800,00
88.	8612	Узук 2 дона нуқсонли, у.о. 4,59 гр., с.о. 4,59 гр., пр. 585	3 370 500,00
89.	8674	Занжир 1 дона, у.о. 3,12 гр., с.о. 3,12 гр., пр. 585	2 310 000,00
90.	8835	Занжир 1 дона нуқсонли, соат 1 дона, у.о. 9,13 гр., с.о. 3,83 гр., пр. 585	2 809 950,00
91.	8967	Узук 1 дона, у.о. 1,29 гр., с.о. 1,29 гр., пр. 585	961 650,00
92.	9023	Билагузук 1 дона, узук 1 дона, у.о. 4,05 гр., с.о. 4,05 гр., пр. 585	2 976 600,00
93.	9085	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 3,75 гр., с.о. 3,75 гр., пр. 585	2 764 500,00
94.	9110	Сирға 1 жуфт, у.о. 5,52 гр., с.о. 5,52 гр., пр. 585	3 900 750,00
95.	9251	Узук 2 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 8,74 гр., с.о. 8,50 гр., пр. 585	4 885 500,00
96.	9284	Занжир 1 дона, узук 1 дона, у.о. 7,12 гр., с.о. 6,82 гр., пр. 585	4 991 550,00
97.	9285	Сирға 1 жуфт, у.о. 6,85 гр., с.о. 6,75 гр., пр. 585	4 946 100,00
98.	9334	Сирға 2 жуфт, у.о. 2,72 гр., с.о. 2,32 гр., пр. 585	1 582 800,00
99.	9335	Узук 1 дона, у.о. 3,33 гр., с.о. 2,93 гр., пр. 585	2 158 500,00
100.	9437	Билагузук 1 дона, сирға 1 жуфт, узук 1 дона, у.о. 11,81 гр., с.о. 11,31 гр., пр. 585	5 400 600,00
101.	9469	Занжир 1 дона, узук 3 дона, у.о. 11,29 гр., с.о. 10,79 гр., пр. 585	7 885 200,00
102.	9490	Билагузук 1 дона нуқсонли, у.о. 5,44 гр., с.о. 4,64 гр., пр. 585	3 400 800,00
103.	9536	Билагузук 1 дона нуқсонли, узук 1 дона, у.о. 5,02 гр., с.о. 5,02 гр., пр. 585	3 067 500,00
104.	9558	Сирға 1 жуфт, у.о. 1,54 гр., с.о. 1,34 гр., пр. 585	1 007 100,00
105.	9596	Узук 1 дона, у.о. 4,41 гр., с.о. 4,39 гр., пр. 585	3 219 000,00
106.	9620	Узук 1 дона, у.о. 5,93 гр., с.о. 5,83 гр., пр. 585	4 279 500,00
107.	9621	Сирға 1 жуфт, билагузук 1 дона нуқсонли, у.о. 5,14 гр., с.о. 5,14 гр., пр. 585	3 764 400,00
108.	9649	Узук 1 дона, у.о. 2,56 гр., с.о. 2,56 гр., пр. 585	1 885 800,00
109.	9651	Узук 1 дона, у.о. 2,48 гр., с.о. 2,18 гр., пр. 585	1 613 100,00
		Жами бошланғич баҳоси	**400 775 696,29**

Аукцион савдолар **2024 йил 17 декабрь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 13 декабрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2024 йил 17 декабрь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 7 ва 21 январь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни авval соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр-банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
Телефон: 71-237-23-96.
Расмий веб сайт: www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№90 (843) 2024 йил 12 ноябрь

Касаба уюшмалари ходимлари куни кенг нишонланди

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ислом цивилизацияси марказида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан ҳамкорликда байрам тадбири ташкил этилди. 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан ўтказилган тадбирда Марказда фаолият олиб бораётган қурувчилар, Тошкент архитектура-қурилиш университети мутасаддилари ҳамда тегишли Касаба уюшма аъзолари иштирок этдилар.

Сўнгги йилларда республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар натижасида меҳнат ва ижтимоий соҳаларда кўплаб ўзгаришларга эришилди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилиб, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Аҳолини муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бу борада фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов сўзга чиқиб, соҳа ходимларини табриклаб шундай деди:

– Юртбошимиз таъкидлаганидек, жонажон ватанимиз ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига кираётган, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш барча соҳаларда биз учун бош мақсадга айланаётган ҳозирги пайтда ҳаётнинг ўзи бутун халқимиз каби касаба уюшмалари олдига ҳам улкан вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан тизимдаги ходимларнинг меҳнат манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, ижтимоий шерикликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тармоқ жамоа келишуви имзоланган. Ҳамкорлар томонидан тармоқ жамоа келишуви орқали яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш – ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсишига, ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларининг таъминланишига ҳамда меҳнат шартларининг такомиллашувига замин яратмоқда.

Тадбирда қатнашган “12-трест” компанияси Касаба уюшмаси раҳбари Ойбек Эшмаматов корхонада ишчи-ходимларга алоҳида шароитлар яратиб келинаётгани, фаол ходимларни рағбатлантириш, тажрибали ходимларга қўшимча иш кунлари белгиланишини алоҳида таъкидлади.

Хулоса ўрнида айтишимиз керакки, юксак ривожланиш ва тараққиёт йўлида муносиб меҳнат шароитларини яратиб бериш, халқимизнинг фаровон турмуш тарзига хизмат қилиш асосий бурчимизга айланмоғи керак.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК – барчамизни фаолликка ундайди



Якунига етиб бораётган куз фасли кўплаб юртдошларимиз сингари таҳририятимиз жамоаси учун ҳам қизғин палла ҳисобланади. Бу борада газетамизнинг келгуси йил учун обунасини ташкил қилиш масаласи долзарб ҳисобланади. Шу боис, таҳририят ходимлари юртимизнинг барча вилоятларида бўлиб, қурилиш-бунёдкорлик соҳаси вакиллари билан учрашувлар ташкил қилишди, нашрнинг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришди.

Ушбу учрашув ва тадбирлар давомида муштарийларнинг “O‘zbekiston bunyodkori” газетаси ҳақидаги фикр-мулоҳаза, таклиф ва талаблари тингланди. Зеро, қурилиш соҳасида ягона ҳисобланган нашрнинг келгусида янада ўқишли ва қизиқарли чиқиши учун газетхонларнинг фикри жуда муҳим.

Жиззах, Сирдарё, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида ҳам ташкил этилган шундай ижодий учрашувларда соҳа вакиллари ўзларининг муаммо ва таклифлари билан ўртоқлашдилар. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциялари, БСКлар, туман ва шаҳар архитекторлари, лойиҳа ташкилотлари вакиллари ҳамда олий таълим муассасаларида бўлиб ўтган тадбирлар орқали газетамиз ҳақида илиқ фикрларни эшитишга муваффақ бўлдик. Ўринли таклиф ва мулоҳазалар орқали келгусида нашр саҳифаларида қандай мавзуларни ёритиш кераклиги ҳақида билиб олдик.

Хусусан, Наманган муҳандислик қурилиш институти, Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти, Фарғона политехника институтида ташкил қилинган ижодий учрашувларда ўқитувчи ва профессорлар, талаба-ёшларда газетамиз саҳифаларида мақолаларини эълон қилиш истаги уйғониб, жамиятнинг янада фаол аъзосига айланишлари учун имконият яратилди.

Келгусида янада кенг ва кўпроқ ададда севимли газетамиз орқали қадрли муштарийлар билан ҳамкорлик қилишда давом этамиз, деган ниятдамиз. Қурилиш соҳасидаги энг сўнгги ва долзарб янгиликлар билан танишиб боришда “O‘zbekiston bunyodkori” газетаси сизларга энг яқин кўмакчи, бўлишига ишонамиз. Қолаверса, ушбу ижодий ҳамкорлик – барчамизни фаолликка ундаши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир – **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари – **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи – **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ – **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1141.
1490 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Эгамбердиев.


ЎзА якуни –
Топширилди – 22.35.

1 2 3 4 5 6

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

САКСОН ЁШЛИ БУНЁДКОР

Шуҳрат ХЎЖАЕВ.



Пойтахтимизнинг Учтепа туманида бир қатор обод кўчалару ҳовли-жойларни мужассам этган Қозигузар номли файзли маҳалла бор. Ёши улуғ тошкентликлар эслasалар керак: XX асрнинг 60-йилларига қадар ҳозирги Чилонзор ва Учтепа туманларининг бир қисми Тошкент вилояти Калинин (ҳозирги Зангиота) туманидаги “Москва” жамоа хўжалигига қарашли ерлар бўлган.

Ўтган асрнинг 30-40 йилларида мазкур жамоа хўжалиги ҳудудидаги Қизил Шарқ маҳалласи дала ҳовлиларидан бирида маълум вақт (1925 йилга қадар) Тошкентнинг Бешёғоч мавзеси бош қозиси лавозимини эгаллаб, халқ орасида катта обрўга эга шахс сифатида тарихда ном қолдирган Абдураҳмон қози Абдураззоқ ўғли (1863 – 1945) яшаган. У кишининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида 1997 йил Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарорига мувофиқ, аввалги Қизил Шарқ маҳалласига Қозигузар номи берилган. Куни кеча мазкур маҳаллада карнай-сурнай садолари янграб, эл-юртга ош берилди. Сабаби, юқорида исми зикр этилган Абдураҳмон қозининг набираси, таниқли меъмор, “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони соҳиби Шуҳрат Раҳмонов табаррук саксон ёшни қаршилади.

Шуҳрат Раҳмонов 1944 йилнинг кеч кузида туғилган. Оиладаги учинчи ўғил Шуҳрат Абдурафиқ қорининг бошқа ўғиллари сингари ҳар бир ишни ўйлаб қиладиган эсли-ҳушли йигит бўлиб вояга етди. 1959 йилда бўлажак меъмор политехникумга ўқишга кириб, дурадгор-технолог касбини эгаллади. Ҳарбий хизматни ўтаб 1966 йил уйига келганида эса Тошкентда нафақат унинг, балки кўпчиликнинг тақдирини ўзгартириб юборган табиий офат – зилзила содир бўлди. Одамларнинг дарду ташвишлари ичига сиғмай турган шундай дамда юртнинг ҳақиқий фарзандлари масъулиятни ўз зиммаларига олиб, ҳароб ҳолга тушиб қолган шаҳарни тиклаш, пойтахтнинг янги қиёфасини яратиш ишларига киришдилар. Улар орасида Шуҳрат Раҳмонов ҳам бор эди. Бинобарин, уларнинг ҳамда бошқа фидокор қурувчиларнинг заҳматли меҳнатлари эвазига шаҳарда катта турар жой массивлари пайдо бўлди. Одамлар янги уйларга кўчиб кира бошладилар.

Ана шундай тиғиз даврда ҳам ўқиб (Тошкент политехника институтининг архитектура факультети кечки бўлимида), ҳам ишлаб, етарли тажриба орттиришга эришган Шуҳрат ака кўп ўтмай “ОргТехСтрой” қурилиш ташкилотидан муҳандис бўлиб ишлаш таклифини олди. Шу тариқа меъморнинг қайноқ фаолияти бошланиб кетди. Зеро, институтни тугатган ёш кадрга масъулиятли вазифа юклатилди – у Ангрен шаҳар бош меъмори этиб тайинланди. Айнан унинг даврида шаҳардаги йирик саноат объекти – Ангрен ГРЭС (ИЭС)нинг қурилиши якунланиб, ушбу корхона ишчи-ходимларининг яшаши учун турар жойлар ҳамда бошқа зарур маиший бинолар қурилди.

1981 йилда Тошкентга қайтиб, қатор масъул лавозимларда меҳнат қилган мутахассис ўша пайтда республика раҳбари Шароф Рашидов ташаббуси билан барпо этилган ноёб архитектура объектларининг қурилишида фаол иштирок этди. Унинг бундай саъй-ҳаракатлари эътиборсиз қолмади, албатта. 1985 йили Шуҳрат Раҳмонов Жиззах вилояти бош меъмори этиб тайинланди. У ишлаган вақтда вилоятда жиззахлик чўлқуварлар учун кўплаб турар жойлар, маъмурий бинолар, боғча-мактаблар қурилди.

– Ҳар сафар Жиззах вилоятига борганимда, у ердаги кўпгина бинолар кўзимга оловдек кўриниб кетади: меъмор учун барпо этилган ҳар бир иншоот унга фарзандидек бўлиб қолар экан, – деб эслайди Шуҳрат Раҳмонов. – Масалан, яқинда Зоминдаги Оналар ва болалар сиҳатгоҳини кўриб, қалбим, руҳиятим ўзгача ҳолатга тушиб қолди. Ўша бинони қурган дамларни, ҳамкасбларимни ширин энтикиш билан эсладим. Кўнглимда фахр туйғуси уйғонди, меҳнатим зоя кетмаганига қувондим.

Меҳнат фаолиятининг сўнгги йилларини мақоламиз қаҳрамони пойтахтда ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ишлай бошлаган тажрибали бунёдкор мазкур молия муассасасининг Тошкент вилояти бош бошқармаси биносининг барпо этилишига муносиб ҳисса қўшди.

– Пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий кўчасида ўзига хос услубда қурилган мажмуанинг пойдеворини қўйишдан тортиб томини ёпишгача бўлган жараёнлар тепасида ўзим турдим, – деди Ш. Раҳмонов. – Фаолиятим давомида амалга оширилган энг пухта ва пишиқ ишим шу банк биносини барпо этиш бўлди. Бу менинг эмас, банк хизматчиларининг эътирофи. Ҳар гал шундай эътирофни эшитганимда, менга кўп нарсаларни ўргатган устозим Ҳамидулла Салоҳитдиновни эслайман. Шогирд сифатида доимо уларни дуо қилиб юраман.

Шуҳрат аканинг оиласини том маънода зиёлилар оиласи, десак янглишмаймиз. Турмуш ўртоғи Мавжудахон аянинг ҳам асли касби меъмор. Уларнинг таълим-тарбиясида камолга етган Дилшоджон эса шифокор. Бир қизи ер кадастри бўйича мутахассис, бири ҳамшира, яна бири шарқшунос.

– Отажонимиз узоқ йиллар давомида касбларига содиқ қолган ҳолда сидқидилдан меҳнат қилдилар, – деди меъморнинг қизи Донохон. – Иш бўйича вилоятга юборишса, ҳеч ҳам қаршилик кўрсатмасди, ўша жойга бориб фаолиятини давом эттираверарди. Ҳар бир ишга масъулият билан ёндашарди. Топшириқларни ўз муддатида топшириш унинг учун қатъий қоида эди. Кўп ҳолларда кечалари ухламай лойиҳалар устида ишлаб ўтирарди. Шунга қарамай, оилага ҳам вақт ажратишни унутмасди. Дам олиш кунлари ўз қўллари билан мазали таомлар пиширириб, бизни хурсанд қилишни яхши кўрарди.

Саксонни қаршилаган Шуҳрат бобо нафақага чиқиб ҳам тиним билмайди: ҳовлиси, уйи атрофини ям-яшил боғ, дарахтзорга айлантирган. Ҳалол меҳнатда чиниққан, ҳали ҳам куч-ғайратга тўла отахон томонидан тартиб билан экилган олмалару олчалар, шода-шода узум солган токларга қараб кўзингиз қувнайди. Ҳаётга иштиёқи баланд ана шундай инсонларни кўриб, уларга ҳавас қиласиз.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ муборак бўлсин!

2024 йил ноябрь ойининг 12-14 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Стратегик режалаштириш ва методология бўлими бош мутахассиси **Маъруфжон Абсоатов,** раҳбар котибаси **Марҳабо Умарова,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбар котибаси **Гулчеҳра Путтиева,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти халқаро нормаларни уйғунлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Шаҳноза Набиева,**

“Коммунал лойиҳа илмий тадқиқот институти” Давлат муассасаси “Хоразм” филиали етакчи муҳандиси **Сирож Одилов,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ ССИКС етакчи мутахассиси **Юрий Рубченко,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 9-устахонаси 1-тоифали муҳандиси **Камила Ҳусаинова,**

“Qo‘qon Loyiha Qurilish” МЧЖ Ландшафт бўйича дизайнери **Лазиз Раҳимов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектори **Улуғбек Сейтимбетов,**

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Жиззах вилояти филиали Муҳандислик тармоқлари бўлими бош мутахассиси **Шароф Тажибаев,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Суннатилло Файзуллаев,**

Наманган вилояти Норин тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимининг уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Эргашбой Каримов,**

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Азизбек Йўлдошев,**

Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги “Олтинкўл обод уйлари” БСК МЧЖ бош директори **Жавлонбек Абдуллажонов,**

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Янги Ойдин” БСК МЧЖ бош директори **Дилара Дўстбабаева,** Китоб туманидаги “Кифти-об” БСК МЧЖ бош директори **Неймат Раззоқов,**

Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги “Шоҳжахон Бошқарув Сервис” МЧЖ бош директори **Алимардон Бегимов,**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Bomond Servis Kommunal” БСК МЧЖ бош директори **Мариям Абдураҳимова,** Олмазор туманидаги “Dunyo Ta’mir-Servis Boshqaruv Kompaniyasi” БСК МЧЖ бош директори **Нодир Саттаровларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.**

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!